

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БОТИРОВА ШАХЛО ИСАМИДДИНОВА**

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
АСОСЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по  
педагогическим наукам**

**Table of contents of the abstract of the doctoral dissertation (DSc) in  
pedagogical sciences**

<b>Ботирова Шахло Исамиддиновна</b> Адабий таълим кластеринг илмий-педагогик асослари .....	5
<b>Ботирова Шахло Исамиддиновна</b> Научно-педагогические основы литературного образовательного кластера .....	31
<b>Botirova Shakhlo Isamiddinovna</b> Scientific and pedagogical bases of the literary educational cluster.....	59
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	65

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**БОТИРОВА ШАХЛО ИСАМИДДИНОВНА**

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК  
АСОСЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc /Ped216 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мухамедов Гафурджан Исраилович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжамқулов Умид Негматович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Маҳаммад Қуроноф**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.PED.82.01. рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdri-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ.Мардонов**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари доктори (DSc)

**У.Н.Ходжамқулов**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг қатор ривожланган мамлакатларида таълим тизими инсон капиталига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етакчи омили сифатида кластер моделини ўзлаштириш йўлидан бормоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида таълим мазмунини Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development – OECD) нинг халқаро баҳолаш дастурлари (Progress in International Reading and Literacy Study – PIRLS), Trends in International Mathematics and Science Study – TIMSS), The Programme for International Student Assessment – PISA), The Teaching and Learning International Survey – TALIS) талабларига мослаштириш орқали ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга эътибор қаратилмоқда. Таълим субъектларининг салоҳиятларини бирлаштириш, умумий ўрта таълимда замонавий педагогик ёндашувларни қарор топтириш, адабий таълимнинг устувор парадигмаларини ишлаб чиқиш адабий таълим кластерининг мазмунини белгилайди ва у педагогик муаммо сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олимлари томонидан педагогик таълимга кластер моделини татбиқ этишнинг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Муайян фан тармоғини кластер модели асосида ривожлантириш таълим субъектларини аниқ умумий мақсад атрофида бирлаштиришни, илмий куч ва салоҳиятни оқилона тақсимлашни, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашни тақозо қилади. Хусусан, таълимнинг тур ва фанлараро интеграциясини таъминлаш, замонавий педагогик ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш орқали умумтаълим мактабларида адабиёт таълимини такомиллаштириш адабий таълим кластерининг илмий-педагогик асослари ва моделларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимга оид ислохотлар кўпроқ тизимнинг инновацион компонентларини ривожлантириш, таълим сифатини оширишнинг технологик моделларини яратиш ва соҳага ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш йўналишларида кўзга ташланмоқда. “Олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаганлиги қайд этилган”<sup>1</sup>. Кейинги йилларда таълим тизимини ҳудудий ривожлантиришга қаратилган кластер модели таклиф қилинмоқда. Бу модель мамлакатимизда таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларига мос келади. Кластер ёндашувини адабий таълимга татбиқ этишнинг миллий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони: Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь.

моделини ишлаб чиқиш, уни умумтаълим мактабларида адабиёт таълимини такомиллаштиришга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup>**

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида фаол қўлланиб келинаётган кластер моделини таълимнинг муайян фан соҳасига татбиқ этиш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг бир қатор олий таълим муассасаларида, жумладан, Ғози университети, Анқара ижтимоий фанлар университети (Туркия), Шандун университети (Хитой), И.В.Гёте номидаги Франкфурт университети (Германия), Қозон федерал университети (Россия), Беларусь давлат педагогика университети (Беларуссия), Л.Н.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университети (Қозоғистон), Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (Ўзбекистон) каби олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.dissercat.com/content/upravlenie-formirovaniem-klasterov-v-regione>; <https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-politekhnicheskogo-obrazovaniya-uchashchikhsya-5-8-klassov-na-osnove-klas>; <https://www.hhs.se/contentassets/f51b706e1d644e9fa6c4d232abd09e63/greenbooksep03.pdf>; <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=26824>; Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors<sup>2</sup>, Cambridge, 1980, 454 pages; Innovation clusters in France: Innovation Comes First. URL: <http://www.invest-infrance.org/us/why-choose-france/research-and-partnerships-innovation-clusters.htm>; Elektronnyj resurs: <http://www.promcluster.ru/index.php/publications-clusters.html>; Концепция развития педагогического образования на 2015–2020 годы: утв. Приказом Министерства образования Респ. Беларусь, 25 фев. 2015 г., – № 156. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The concept of teacher education.pdf](http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The%20concept%20of%20teacher%20education.pdf). – С. 10. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Адабий таълим кластерининг илмий-назарий асосларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: кластер ёндашуви асосида адабий таълимнинг олий ва ўрта таълимдаги интеграцияси диний таълим негизида тадқиқ этилган (Ғози университети, Анқара ижтимоий фанлар университети); олий таълим муассасалари ташкилий бўлинмаларининг адабий таълим кластери воситасида ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг амалий механизмлари ишлаб чиқилган (Шандун университети, И.В.Гёте номидаги Франкфурт университети); таълим муассасаларида адабий таълимни кластер модели асосида ўқитишнинг инновацион тизими яратилган (Қозон федерал университети); педагогик таълимга кластер ёндашувини татбиқ этишнинг инновацион ҳудудий тузилмалари яратилган (Беларусь давлат педагогика университети); кластер модели асосида адабий таълим ва фан интеграциясини таъминлашнинг миллий модели амалиётга жорий этилган (Л.Н.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университети); адабий таълим кластерининг илмий-назарий асослари ва тамойиллари ишлаб чиқилган (Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти).

Жаҳонда адабий таълим кластерининг илмий-педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: адабий таълим мазмунини халқаро баҳолаш дастурлари талаблари асосида такомиллаштириш; кластер ёндашуви асосида замонавий педагогик ёндашувларни таълим амалиётига жорий этиш; адабий таълим кластерининг миллий моделларини ишлаб чиқиш ҳамда адабий таълимнинг вертикал ва горизонтал интеграциясини таъминлаш; адабий таълим кластерининг илмий-назарий асослари, устувор парадигмалари ва тамойилларини ишлаб чиқиш; илмий марказлар, олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларини ягона тизимга бирлаштириш орқали адабий таълимдаги илмий салоҳият ва тажрибани интеграциялаш; адабий таълим кластери платформасини ишлаб чиқиш орқали таълим субъектларининг тезкор қайта алоқасини ташкил қилиш имкониятларини ошириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда таълимга кластер моделини татбиқ қилиш муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида кейинги йилларда нисбатан кенгроқ ўрганилмоқда. Хусусан, педагогик таълимни кластерлаштириш орқали тизимда интеграция, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, мавжуд таълим турларини яхлит ҳолда ривожлантиришнинг инновацион ечимларини ишлаб чиқиш Ғ.Муҳамедов, Ш.Мардонов, У.Ходжамқулов, Р.Эшчанов, Г.Бобожонова, Д.Бекчанов, С.Тоштемирова, Н.Кошановаларнинг тадқиқотларида муайян даражада ёритилган. Мазкур муаммога ёндош бўлган йўналишларда, хусусан: узлуксиз таълим тизимининг ташкилий жиҳатлари, таълим тизимини мазмун ва шакл жиҳатдан такомиллаштириш механизмлари М.Қурононов, Р.Маҳмудов, Р.Аҳлиддинов, Ю.Абдуллаева, Н.Эгамбердиева; адабий таълимни технологиялаштириш, фанлараро алоқадорликни таъминлаш ва таълим муассасаларининг илмий-услубий ҳамкорлигининг ташкилий жиҳатлари,

адабий таълим методлари С.Мачонов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, Д.Қуроноф, Р.Ниёзметова, О.Туракулова; узлуксиз таълим тизимида интеграцияни таъминлаш масаласи Н.Рахмонкулова, Д.Якибова, М.Тошпулатова, А.Жуманов, Б.Адиловларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида таълимни кластерлаштириш муаммоси, унинг илмий-назарий асослари ва амалга ошириш механизмлари, хусусан, таълимни ҳудудийлаштириш концепцияси, кластер модели таълим субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш омили эканлиги, таълим кластери тузилмаси ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари А.Леонтьев, А.Залаялова, М.Галушкина, В.Меркушов; таълимни ташкил этиш ва бошқаришда кластер моделидан фойдаланиш муаммоси Д.Калашников, В.Панасюк, Д.Коростелев, В.Пальцев, Д.Скипин; ишлаб чиқариш ва таълимни кластер воситасида интеграциялашнинг мазмуни, кластер субъектларининг салоҳиятларини ижтимоий ҳамкорлик асосида ошириш ва таълимнинг асосий ва ёрдамчи воситаларини яратишнинг интеграл тизимлари Н.Шарай, А.Субетто, Л.Николаева, Е.Корчагин, Н.Мишура, Л.Наумова, Т.Вдовиналар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан Р.Славин, Р.Жонсон, Д.Жонсон, Ш.Шарон, Г.Клейнерларнинг тадқиқотларида ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологияларининг афзалликлари, имкониятлари, универсал табиати, уни таълим амалиётига татбиқ этишнинг методологик ва типологик асослари очиқ берилган.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда таълим кластерларини ташкил қилишнинг илмий-назарий асослари, унинг таълимни ҳудудийлаштириш, бошқариш ва рақобатбардошлигини оширишдаги роли, таълимнинг техника ва аграр тармоқларида қўллаш механизмлари атрофлича ўрганилган. Фан тармоқлари, хусусан, адабий таълимга кластер ёндашувини татбиқ этишнинг омиллари, тузилмаси ва илмий-педагогик асослари, кластер шароитида ҳамкорликда ўқитиш технологияларини тадқиқ этишнинг зарурати мазкур тадқиқот мавзусини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогиканинг устувор тамойилларига таянган ҳолда адабий таълим кластерининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

узлуксиз таълим тизимида адабиёт ўқитиш самарадорлигини таълим кластери шароитида оширишнинг методик таъминотини такомиллаштириш;



адабий таълим узвийлиги ва узлуксизлигига устуворлик берилган тизимлараро ижтимоий шерикликнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш;

адабий таълим кластерининг ҳудудий тузилмасини узлуксиз таълим мазмунига мос ишлаб чиқиш;

замонавий адабиёт ўқитувчиси профессиограммасини келажак ўқитувчиси концепцияси асосида ишлаб чиқиш;

замонавий педагогик ёндашувларни адабий таълимга татбиқ этиш орқали умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш халқаро дастури (PISA) талаблари асосида таълим бериш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида адабий таълим сифатини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги 7 та умумий ўрта таълим мактабининг 1039 нафар VIII-XIX синф ўқувчилари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий ўрта таълим мактабларида адабий таълим кластери воситасида адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, прогнозлаштириш, тест топшириқлари, таснифлаш, кузатиш, анкета сўровлари, ўқувчилар, ўқитувчилар ва мактаб раҳбарияти ҳамда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни график тасвирлаш ҳамда умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

узлуксиз таълим тизимида адабиёт ўқитиш самарадорлигини таълим кластери шароитида оширишнинг методик таъминоти таълим олувчиларда шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик компетенцияларни интенсификация шакллантиришни кўзда тутувчи ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фарзларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган муаммоли таълим технологияларини ўқитувчилар фаолияти мазмунига ўзаро интегратив сингдириш орқали такомиллаштирилган;

адабий таълим узвийлиги ва узлуксизлигига устуворлик берилган тизимлараро ижтимоий шерикликнинг ўқитиш сифатига таъсир этувчи эмпатия, ишонч, ўзаро тўлдирувчилик, очиқлик педагогик имкониятлари адабиётнинг тарбиявий таъсирини ватанпарварлик, шахсий намуна, одобахлоқ, илм-олиш, касб-ҳунарга оид умуминсоний ва миллий-маданий қадриятлар уйғунлигини этнопедагогик қадриятлар воситасида кучайтириш асосида такомиллаштирилган;

адабий таълим ҳудудий тузилмасининг мослашувчан модели узлуксиз таълим тизимида адабиёт ўқитишга қўйилувчи илмийлик, тизимлилик, изчиллик, анъанавийлик, новаторлик каби замонавий талабларни

компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув муҳитига оптималлаштириш орқали такомиллаштирилган;

адабий таълимда келажак ўқитувчиси концепцияси ва замонавий адабиёт фани ўқитувчисининг профессиограммаси педагогиканинг когнитив, шахсий, маданий ва компетентлик каби замонавий парадигмаларига қиёсий устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида замонавий педагогик ёндашувлар (шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик)ни адабий таълимга татбиқ этиш методикаси ўқувчиларда матнни тушуниш, таҳлил қилиш ва мулоҳаза юритиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол таълим талаблари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий адабиёт фани ўқитувчисининг профессиограммаси асосида келажак ўқитувчисининг касбий талаблар тизими ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт фанини замонавий педагогик ёндашувларни татбиқ этган ҳолда ўқитишнинг кластер ёндашув механизми ишлаб чиқилган;

педагогик олий таълим муассасалари ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини халқаро баҳолаш дастурларига тайёрлаш мақсадида “Ўқиш саводхонлиги бўйича PISA топшириқлари” тўплами тайёрланган;

педагогик олий таълим муассасалари ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши учун “Адабий таълим кластери” махсус курс дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва педагогиканинг асосий тамойилларига асосланганлиги; тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги; муаммо бўйича республикамиздаги ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда ғояларига таянилганлиги; педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги; тадқиқот мақсад ва вазифаларининг ўзаро мутаносиблиги; хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабий таълим кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатида янгилиги, илмий-назарий асосларининг яратилганлиги, узлуксиз таълимда адабий таълим кластер ҳамкорлик тизимининг ишлаб чиқилганлиги, адабий таълим кластер йўналишлари ва тамойилларининг таълим тизимидаги интеграцион жараёнларга таъсири илмий тавсифланганлиги, кластер ёндашувининг адабий таълим сифатини

кучайтиришдаги аҳамияти назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кластер шароитида интеграцияга асосланган адабиёт ўқитишнинг методик таъминоти (дарслик, ўқув қўлланма, махсус курс дастури) яратилганлиги, умумтаълим мактабларида замонавий педагогик ёндашувлар (шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик)ни адабий таълимга татбиқ этиш методикаси такомиллаштирилганлиги, адабиёт ўқитишнинг кластер ёндашув механизми ишлаб чиқилганлиги, халқаро баҳолаш дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган “Ўқиш саводхонлиги бўйича PISA топшириқлари” тўпламининг ўқув жараёнида қўлланилаётгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Адабий таълим кластерининг илмий-педагогик асослари ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адабиёт ўқитиш самарадорлигини таълим кластери шароитида оширишнинг методик таъминоти бўйича тадқиқотнинг илмий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак адабиёт фани ўқитувчиларида касбий компетенцияларни кластер ёндашуви асосида шакллантириш бўйича педагогик олий таълим муассасаларининг илмий (адабий таълим кластери тадқиқи) ва амалий (адабий таълим кластери татбиқи) йўналишларида фаолият самарадорлигини оширишга эришилган;

адабий таълим мазмунида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масаласи ижтимоий шериклик (эмпатия, ишонч, ўзаро тўлдирувчилик, очиклик)га йўналтирилган кластер ҳамкорлик тизими (технологияси, механизми, методикаси, шакллари, воситалари), муҳити (эҳтиёж, зарурат, натижа) ва шароити (муаммо, ечим, механизм) асосида такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар 2015-2017 йилларда Қарши давлат университетида бажарилган А-1-173 рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Қарши давлат университетининг 2021 йил 2 июлдаги 04-2171-сон маълумотномаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, кластер ёндашуви асосида адабий таълим мазмунида узвийлик ва узлуксизлик масаласи таъминланган;

адабий таълимни ташкил этишда ҳудудий яхлитликни таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тизими шароитида адабий таълим кластери ҳудудий тузилмаси (модулли мактабгача таълим лабораторияси, мактаб лабораторияси, педагогик таълим инновацион кластер маркази) ғояси ва педагогик таълимда ўзаро ҳамкорлик тамойиллари бўйича илмий хулосалар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида

педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини адабий таълим кластери воситасида ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

педагогиканинг замонавий парадигмаларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган келажак ўқитувчиси концепцияси ва замонавий адабиёт фани ўқитувчиси профессиограммаси бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлардан “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-буйруғига асосан (рўйхат рақами 237-312) ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, замонавий адабиёт фани ўқитувчисининг касбий ва шахсий компетентлиги бўйича талаблар тизими такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш халқаро PISA талаблари асосида ишлаб чиқилган умумтаълим мактабларида замонавий педагогик ёндашувларни адабий таълимга татбиқ этиш методикасидан Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини халқаро баҳолаш дастурига тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 17 августдаги 01/11-01/10-1202-сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг PISA талаблари бўйича ўқиш саводхонлиги кўникмалари ошишига эришилган;

адабий таълим кластери тушунчаси (моделли, тузилмаси, таснифи, тамойиллари)нинг илмий-педагогик муаммо сифатидаги назарий асослари ҳамда кластер шароитида интеграцияга асосланган адабиёт ўқитишнинг методик таъминоти (таълим шакли, мазмуни, воситалари, усуллари, йўллари)ни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини ҳамда 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 3 июндаги 17-01-137-сон маълумотномаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини адабий таълим кластери воситасида ривожлантириш методлари такомиллаштирилган;

узлуксиз таълим тизимида адабий таълимни такомиллаштириш илмий-методик асослари, адабий таълим кластери тузилмаси, замонавий педагогик ёндашувларни адабий таълимга татбиқ этиш, адабий алоқалар бўйича илмий хулосалар 2018-2019 йилларда Низомий номидаги Озарбайжон Республикаси Фанлар Академияси Баку бўлимнинг “Озарбайжон-Ўзбекистон муносабатларида адабиётнинг ўрни ва аҳамияти” №4-57 рақамли лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Озарбайжон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 10 апрелдаги 47-сон маълумотномаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 августдаги 02-07-2038/04-сон далолатномаси). Натижада, озарбайжон-ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлаш, адабий таълимда ижтимоий шерикликка йўналтирилган кластер ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, шу жумладан, 6 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мазмунини ёритувчи жами 31 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 226 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги асослаб берилган, мақсади, объекти, предмети ва вазифалари белгиланган, тадқиқот ишини ташкил этишнинг назарий ва методологик асослари таърифланган, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Узлуксиз таълим тизимида адабий таълимни такомиллаштиришнинг илмий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобида адабиёт ўқитиш методикасининг илмий-педагогик муаммо сифатидаги тавсифи ва тадқиқи, адабиёт ўқитиш методологияси, унинг назарий муаммолари, адабиёт ўқитишга нисбатан замонавий ёндашувлар, хусусан, шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувларнинг аҳамияти, зарурати ва мазмуни очиб берилган. Шунингдек, кластер ёндашуви воситасида адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича хорижий тадқиқотчиларнинг ишлари таҳлил

қилинган, уларни ижодий ўзлаштиришнинг усул ва йўллари аниқлаштирилган.

“Адабиёт ўқитиш методикаси илмий-педагогик муаммо сифатида” деб номланган биринчи бўлимда адабиёт ўқитиш методикасига нисбатан педагогик қарашлар тадрижи ёритилган. Хусусан, унинг фан сифатидаги ўзига хослиги, билимлар тизимидаги ўрни, қонуниятлари ва белгилари, ижтимоий аҳамияти, илмий-педагогик муаммо сифатидаги моҳияти, у билан боғлиқ айрим тушунчаларнинг мазмуни аниқлаштирилган, “адабий таълим” ва “адабиёт таълими” тушунчалари, бадиий мутолаанинг инсон маънавий камолотидаги ўрни таснифланган, “адабиёт ўқитиш методикаси” тушунчасига янги талқиндаги муаллифлик таърифи берилган.

Тадқиқот натижасига асосан адабий таълим ва адабиёт таълими тушунчалари бир-биридан фарқланди ва тасниф қилинди. Унга кўра: **адабий таълим:** а) ўқувчиларнинг ёш хусусиятига кўра (қўйи босқич, ўрта босқич, юқори босқич); б) мақомига кўра (норасмий, расмий); таълим ёки тарбиянинг устуворлигига кўра (тарбияга устуворлик бериш асосида, таълимга устуворлик бериш асосида); в) методикасига кўра (тарбия методлари устуворлигига асосланувчи, таълим методлари устуворлигига асосланувчи) каби белгиларга кўра; **адабиёт таълими:** а) вертикал ҳолатига кўра (умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим); б) горизонтал ҳолатига кўра (таълимий, тадқиқий); в) ўқитилиш даражасига кўра (умумий, чуқурлаштирилган, махсус); г) методикасига кўра (умумтаълим фанлар методикасига асосланувчи, махсус фанлар методикасига асосланувчи) каби белгиларига кўра тасниф қилинди.

Тадқиқотда бадиий мутолаанинг инсон маънавий камолотидаги ўрни масаласи ҳам тасниф қилинган бўлиб, унга кўра бадиий мутолаанинг эмоционал, интеллектуал, лисоний, маънавий, ахлоқий-эстетик, информатсион, ижтимоий таъсири масалалари ва уларнинг фарқи очиб берилган. Ушбу таснифлар адабиёт ўқитиш илмида оригинал ва янгилиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Биринчи бобнинг “Адабиёт ўқитиш методологияси ва унинг назарий муаммолари” деб номланган иккинчи бўлимида фан методологиясининг рационал мазмуни, унинг даражалари, адабиёт ўқитишнинг назарий-методологик масалалари, бу борадаги илмий тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти, замонавий методологик муаммолар тизими ва уларнинг тадқиқи билан боғлиқ масалалар баён қилинган.

Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг замонавий методологияси нуқтаи назаридан илмий тадқиқотлар учун қўйидаги жиҳатлар характерли ҳисобланади:

- 1) илмий тадқиқот объектининг мавжудлиги;
- 2) қўйилган вазифанинг дифференциялашган эмпирик (фактларни аниқлаш, илмий тадқиқот методларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш), мантиқий (муайян ҳодисанинг хулосасидан иккинчи ҳодисага ўтиш, улар ўртасидаги алоқани ўрнатиш) ва назарий (сабабларни тушунтириш, тамойилларни тавсифлаш, тамойил ва қонунларни ишлаб чиқиш) ечимлари;

- 3) ўрнатилган факт ва илмий фаразлар ўртасидаги аниқ фарқлар;
- 4) факт ва ҳодисаларни тушунтириш ҳамда илмий башорат қилиш.

Адабиёт ўқитишнинг методологик муаммоларини тадқиқ қилишда фаннинг қуйидаги назарий-методологик масалалари ҳал қилиб олиниши лозим:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг амалий вазифалари билан адабиёт ўқитишнинг муаммолари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш лозим. Адабиёт ўқитиш методикаси бўйича тадқиқот ишларида адабиёт фанининг муҳим ҳаётий муаммолари кўтарилиши, таълим ва тарбиянинг амалий вазифалари ҳал қилиниши керак.

2. Фаннинг методологик муаммоларини ҳал қилишга соҳанинг етакчи илмий-педагог ходимлари ва умумтаълим мактабларининг тажрибали ўқитувчиларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув натижасида адабиёт ўқитиш методологиясининг муҳим муаммолари илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ва умумтаълим мактабларининг бой тажрибаси бирлашади. Методологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бундай ёндашув адабиётни ўқитиш билан боғлиқ жараёнларни кластерлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг муайян соҳалари бўйича методологик аҳамиятга эга илмий тадқиқот йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Адабиёт таълимида узвийлик, узлуксизлик ва интеграция.
2. Адабиёт таълимининг ўқув-услугий таъминоти.
3. Адабиёт фани ўқитувчисининг касбий компетенциялари.
4. Адабиёт дарсларини ташкил этишнинг янги типлари.
5. Бадиий асар таҳлили методикаси.
6. Ўқувчиларда бадиий мутолаа маданиятини шакллантириш методикаси.

7. Ўқувчи шахсини шакллантириш.

Методологиянинг дескриптив (ифодаловчи) ва перскриптив (меъёрловчи) функцияларидан келиб чиқиб адабиёт ўқитиш методологиясини икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) назарий; 2) меъёрий.

Адабиёт ўқитишнинг назарий методологиясига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) методология таърифи ва тавсифи; б) фан методологиясининг даражалари; в) методология – билимлар ва фаолиятлар тизими сифатида; г) адабиёт ўқитиш соҳасидаги тадқиқот фаолиятини методологик таъминлаш манбалари; д) тадқиқот объекти ва предметининг методологик таҳлили.

Меъёрий методология эса қуйидагиларни ўз ичига олади: а) адабиёт ўқитишнинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан фарқини илмий асослаш; б) фанга оид тадқиқотларнинг мансублик даражасини аниқлаш; в) махсус тадқиқот объектини ажратиш; г) фан доирасида тушунча ва атамаларнинг бир хил бўлишини таъминлаш; д) педагогик тадқиқотларни тизимлаш; е) тадқиқот тавсифномаси; ё) тадқиқот мантиғи; ж) адабиёт ўқитишнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Умуман, адабиёт ўқитиш методологияси ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, адабиётни ўрганиш жараёнида фалсафий, психологик, жинсий, ахлоқий, эстетик, этнографик, тарихий ва лингвистик муаммолар атрофида баҳс юритади.

Бобнинг “**Адабиёт ўқитишда замонавий методик ёндашувлар**” деб номланган учинчи бўлимида адабиёт ўқитишнинг замонавий масалалари, хусусан, шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувларнинг адабиёт ўқитишдаги татбиқи масаласи тадқиқ этилган.

Замонавий педагогикада қуйидаги парадигмалар етакчи эканлигини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

**1. Когнитив парадигма** болага максимал миқдордаги билимларни узатишни, унинг ақлий ривожланишини устувор деб ҳисоблайди. Бунда ўқитувчининг мажбурлаш истаги етакчилик қилади ва ўқувчининг истак ҳамда қизиқишлари етарлича ҳисобга олинмайди

**2. Шахсий парадигма** боланинг ҳиссий ва ижтимоий ривожланишини биринчи ўринга қўяди. Бундай ёндашувда ўқувчиларнинг қизиқишлари, муаммоларига катта эътибор берилади ва ўқувчиларга қўйилган меъёрлар қатъий белгиланмайди.

**3. Маданий парадигма** ўқувчининг маънавий баркамол шахс сифатидаги тарбиясини биринчи ўринга қўяди. Бундай таълим парадигмасида мажбурлаш элементлари мавжуд, чунки маданий қадриятларни ўзлаштириш заруратини тўғри англайдиган ўқувчилар кўпчиликти ташкил қилмайди.

**4. Компетентлик парадигмаси** когнитив-ахборот парадигмасидан ўсиб чиқади. Бундай ёндашув ахборотни чексиз узатишни номақбул деб ҳисоблайди ва ўқувчиларга муайян компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган ахборотларни мақсадли беришни маъқуллайди.

Ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш педагогиканинг асосий мақсади ҳисобланади. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг янги шакллари кашф этиш, дарс машғулотларининг самарадорлигини оширишнинг янги ёндашувларини жорий этиш, методология, методика ва методлар нуқтаи назаридан инновацион шакллари амалиётга киритиш таълимни модернизация қилишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогикамизда янги ёндашувлар сифатида қаралаётган шахсга йўналтирилган, компетенциявий, акмеологик, эвристик ва кластер ёндашувлар асосида дарс машғулотларини ташкил этиш амалий фаолиятнинг самарали шаклларида бири сифатида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини янгидан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Мазкур замонавий ёндашувлар мазмун ва шакл билан боғлиқ педагогиканинг методологик масалалари бўлиб, уларда ўқувчи шахсини ҳар томонлама такомиллаштириш, уларга индивидуал ёндашиш, назарий билимларнинг амалий аҳамиятини ошириш, ўқувчиларда муайян компетентликни шакллантириш методлари ва уларнинг иқтидорларини юзага чиқариш билан боғлиқ муҳим масалаларга ўзига хос инновацион ёндашиш назарда тутилади.



Мазкур замонавий ёндашувлар таълим соҳаси учун умумий характерга эга бўлиб, адабиёт ўқитишга ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланади.

Адабиёт ўқитишда ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаётнинг реал вазиятларида фойдалана олиш бўйича самарадорлигини оширишда таълимга компетенциявий ёндашувни татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Бадиий асардан чиқарилган ҳаётий хулосаларни реал вазиятларда қўллай олиш кўникмаларини яратиш, эгалланган билимларни хотирасида тез тикланадиган (фаол) кўникмаларга айлантириш, ўқувчиларда муайян шахсий сифатларни шакллантиришда компетенциявий ёндашув қўл келади.

Бугунги кунда адабиёт ўқитишда таълим самарадорлигини оширишга қаратилган янги ёндашувлардан бири акмеологик ёндашувдир. Ушбу ёндашув таълим ва тарбия жараёни, хусусан, адабиёт ўқитиш орқали ўқувчи шахсиятини юксак поғонага кўтаришнинг турли жиҳатларини ўрганишдан иборат. Акмеологиянинг мазмун-моҳияти инсоннинг ҳар бир касб-ҳунарни билим орқали чуқур эгаллаши, унинг жамият ривожини, миллат раънақини, турмуш фаровонлигини ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаш, ўз ижодий фаолиятини, касб-ҳунар соҳасидаги бурч ва масъулиятини адо этишга сарфлаш мақсадида мукамаллик ва камолотга эришишни ўрганишдан иборат<sup>3</sup>.

Диссертациянинг **“Адабий таълимда кластер ёндашуви”** деб номланган иккинчи бобида адабий таълимда интеграция ва кластер муносабати, кластер йўналишлари ва тамойилларининг узлуксиз таълим интеграцион жараёнларига таъсири, адабий таълимда келажак ўқитувчиси концепцияси каби масалалар тадқиқ қилинган.

Бобнинг биринчи бўлимида адабий таълимдаги интеграциялашув жараёнларининг кластер ёндашувига таъсири масаласи таҳлил қилинган.

Тадқиқотда адабий таълимда интеграция муаммоси қуйидаги масалалар билан боғлиқлиги илмий асосда ёритилган:

- адабий таълимда ноанъанавий дарс тушунчаси, шакллари, уларнинг вазифалари, хилма-хиллиги ва хусусиятлари;
- фанлараро интеграция ва унинг турлари масаласига аниқлик киритиш;
- умумтаълим мактабларида адабиёт дарсининг ноанъанавий шакли сифатида интеграциялашган дарс машғулоти;
- адабий таълимда интеграция ва уни амалда қўллаш.

Интеграциялашган адабиёт дарсларида фанлараро интеграция муҳим ўрин тутди. Тадқиқотда “Адабиётшунослик ва адабиёт интеграцияси”, “Она тили ва адабиёт дарслари интеграцияси”, “Тарих ва адабиёт дарслари интеграцияси”, “Санъат ва адабиёт интеграцияси”, “Психология ва адабиёт интеграцияси”, “Этика, эстетика ва адабиёт интеграцияси” каби адабиёт дарсларининг интеграция шакллари таҳлил қилинган.

---

<sup>3</sup> Шайхова Х.А. Маънавият – камолот кўзгуси. – Т: Ф.Фуллом номидаги НМИУ, 2009. – Б. 115.

Мутахассислар томонидан “таълим кластери” тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиқиб “адабий таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб топилди: **муайян ижтимоий-географик ҳудуднинг сифатли адабий таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзаро алоқадаги тенг ҳуқуқли таълим субъектларининг узвийлиги, узлуксизлиги ва интеграциясини таъминловчи тизим.**

Адабий таълимга кластер ёндашувини татбиқ қилиш инновацион фаолият механизмларини ишга туширади. У адабий таълимни мувофиқлаштириш, интеграциялаш, илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш ва таълимнинг асосий ҳамда ёрдамчи воситаларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Демак, кластер ёндашуви адабий таълимга яхлит тизим сифатида қараш, унинг кенг қамровли тушунча эканлигини эътироф этиш, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик йўналиш ва фаолиятга нисбатан янгича ёндашув каби хусусиятларга эга.

Адабий таълим кластерининг татбиқи интеграция билан боғланар экан, тадқиқотда таълимнинг ҳозирги шароитидан келиб чиқиб адабий таълимнинг интеграцион шаклларига аниқлик киритилди. Улар қуйидагилар:

- илмий-тадқиқот интеграцияси;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- таълим турлариаро интеграция;
- алоқадор фанлараро интеграция;
- адабий таълим бўлимлариаро интеграция;
- мавзулараро интеграция;
- мавзу доирасидаги интеграция.

Бобнинг **“Кластер йўналишлари ва тамойилларининг узлуксиз таълим интеграцион жараёнларига таъсири”** деб номланган иккинчи бўлим.


Ушбу бўлимда адабий таълим кластерининг тузилмаси ишлаб чиқилган, йўналишлари ва тамойилларига аниқлик киритилган ҳамда уларнинг интеграцион жараёнларга таъсири масаласи илмий асосда ёритилган.

Тадқиқотимиз давомида педагогик таълим инновацион кластери миллий модели<sup>4</sup> асосида адабий таълим кластерининг тузилмаси ишлаб чиқилди (2.2-расм).

Ушбу параграфда мамлакатимизда мавжуд педагогик таълим шароитидан келиб чиқиб адабий таълим кластерининг стратегик йўналишлари белгилаб берилган.

---

<sup>4</sup> Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед.фан. бўйича фан док. (DSc) дисс. – Т., 2021. – Б. 67.



**2.2-расм. Адабий таълим кластери тузилмаси**

Бобнинг “Адабий таълимда келажак ўқитувчиси концепцияси” деб номланган учинчи бўлимида келажак ўқитувчиси концепцияси модели ишлаб чиқилган, унинг зарурати ва долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган.

Мавзуга ёндош бўлган хорижий ва маҳаллай тадқиқотларни ўрганиш натижасида келажак адабий таълим ўқитувчисининг касбий компетенциялари сифатида қуйидагилар таклиф қилинди:

педагогик билим, кўникма ва малака;  
фанга оид билим, кўникма ва малака;  
ёндош соҳалар бўйича қўшимча касб-ҳунарни эгаллаш;  
назария ва амалиёт уйғунлигини тушуниш;  
замонавий педагогик таълим технологиялари (шахсга йўналтирилган ёндашув, акмеологик ёндашув, компетенциявий ёндашув, эвристик ёндашув кабилар) ва тарбия методларини ўзлаштириш;  
ностандарт фикрлаш ва креатив тафаккур тарзи;  
ижодкорлик;  
жамият, фан ва соҳанинг ривожланиш қонуниятларини англаш;  
замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни билиш;  
миллий ва хорижий илғор тажрибаларга асосланиш.

Тадқиқотда адабий таълимда келажак ўқитувчиси шахсининг профессиограммаси ишлаб чиқилди ва унда келажак ўқитувчисининг шахсий ва касбий хислатлари, касбий билим даражаси, шахсий-педагогик удабуронлиги, ташкилотчилик, коммуникатив, гностик малакалари; ижодий хислатлари; дидактик, академик, перцептив, нутқий, ташкилотчилик, авторитар, коммуникатив қобилиятлари келажак талаблари нуқтаи назаридан тавсифланган.

Диссертациянинг **“Кластер воситасида адабий таълимни такомиллаштириш муаммолари”** деб номланган учинчи бобида узлуксиз таълим тизимида адабий таълим кластери муаммоси тадқиқ қилинган.

Бобнинг **“Модулли мактабгача таълим лабораторияси ва адабий таълим”** деб номланган биринчи бўлимида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ташкил қилинган педагогик таълим инновацион кластери модулли мактабгача таълим лабораторияси илмий ва амалий аҳамияти ёритилган.

“Модулли мактабгача таълим лабораторияси” миллий педагогикамизда янги тушунча. Бу лойиҳа талабаларга боғчалардаги таълим ва тарбия жараёнини бевосита кузатиш ҳамда мактабгача таълим педагогикаси ва боғча ёшидаги болалар психологияси билан боғлиқ илмий-амалий лойиҳалар, тадқиқотларнинг тажриба-синов ишларини олиб бориш имконини беради. Бу жараён нафақат талабалар учун, балки илмий тадқиқотчилар, ота-оналар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчилар учун ҳам инновацион тажриба майдончаси вазифасини бажаради. Бу эса лойиҳанинг илмий янгилигини асослайди.

Тадқиқот доирасида “Модулли мактабгача таълим лаборатория концепцияси” ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Модулли мактабгача таълим лабораторияси лойиҳаси мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия беришда компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш орқали ўсиб келаётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда

ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, “мен” образини шакллантиришга алоқадор бўлган фаолият усулларини шакллантириш билан боғлиқ лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишни назарда тутди.

Учинчи бобнинг **“Умумий ўрта таълим босқичида адабиёт таълими кластерининг шакл ва мазмуни”** деб номланган иккинчи бўлимида педагогик таълим кластери занжирида умумтаълим мактабларининг адабиёт фанини ўқитиш мисолидаги ўрни ва аҳамияти, мактабгача ва олий таълим билан ҳамкорлиги масаласи ёритилган.


Педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик тамойилини қўллаб-қувватлайди. Ижтимоий шериклик таълимий, илмий, услубий ресурсларни мактабгача таълимдан олий ўқув юртларигача тақсимланишига, ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри йўналтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим соҳасини ривожлантириш учун жамият ресурсларидан унумли фойдаланиш, таълим субъектларининг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш учун таълим жамоаси ва кластер ҳамкор субъектларининг ҳаётий тажрибасини тўплаш, ижобий жиҳатларни оммалаштириш лозим.

Бобнинг **“Адабий таълим кластери ҳамкорлик муносабатларида олий таълимнинг ўрни”** деб номланган учинчи бўлимида адабий таълим кластер занжирида олий таълимнинг доминантлик функцияси очиқ берилган.

Адабий таълимда таълим турлари ўртасида интеграция жараёнларини кучайтирмасдан, унинг мукамал ечимлари борасида аниқ хулосаларга келмасдан туриб кутилган самарага эришиб бўлмайди. Таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнлари эса мамлакат таълим структурасидан тортиб, бошқарув механизмлари-ю фан дастурларигача бўлган жуда катта тизимда ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг таъминланиши билан содир бўлади. Бу эса анчайин мураккаб ва тизимли фаолиятни талаб қиладиган жараёндир. Бу жараён ҳақида таълимга доир манбаларда кўп гапирилган бўлса-да, аммо ижрога келганда тизимлиликнинг йўқлиги ва назария ҳамда амалиёт ўртасидаги номувофиқлик кўзга ташланади. Бизнингча, бу борада тизимлиликни, таълим шакллари ўртасида ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш механизмларидан бири адабий таълимга нисбатан (умуман, барча таълим турларига) кластер ёндашувини татбиқ қилишдир.

Адабий таълимни кластерлаштиришда олий таълим муассасаси доминант бўлган сифатида катта масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Адабий таълим кластери у билан алоқадор барча йўналишлар бўйича муаммоларни бартараф қилиш, таълимни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш ва муайян фаолият кўрсаткичларини ошириш бўйича таълим турларининг ўзаро ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳаларни мактаб-лаборатория (модулли мактабгача таълим лаборатория)ларида тажриба-синовдан ўтказиш ва муваффақиятли лойиҳаларни вилоят миқёсида оммалаштиришни назарда тутди (3.2-расм).



### 3.2-расм. Адабий таълим кластерининг ишлаш механизми

Кластер шароити тушунчаси кластер субъектларининг барча турдаги ҳамкорлик муносабатларини, кластер йўналишлари ва субъектларини, тамойилларини ўз ичига оловчи кенг қўламли тушунча бўлиб, қуйи ва юқори таълим шаклларининг умумий мақсаддан хусусий манфаат ҳосил қилиши билан боғлиқ ўқув, услубий, таълим-тарбиявий масалаларни ўзида бирлаштиради. Шундан келиб чиққан ҳолда кластер шароити тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб топилди: **таълим турлари ўртасида мавжуд муаммоларни аниқлаш (фаолият кўрсаткичларини белгилаш), илмий асосда ечиш (кўрсаткичларни ошириш) механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни “мактаб-лаборатория”ларда**

**тажриба-синовдан ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар тизими кластер шароитини ташкил қилади.**

Диссертациянинг **“Кластер воситасида адабий таълимни такомиллаштиришнинг педагогик самарадорлиги”** номли тўртинчи бобида адабий таълим машғулотларига таъсир этувчи омиллар тадқиқи амалга оширилган ва тадқиқотнинг педагогик тажриба-синов ишлари таҳлил қилинган.

Бобнинг **“Модулли мактабгача таълим ва мактаб-лабораторияларда адабий машғулотлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тадқиқи”** деб номланган биринчи бўлимида **“Модулли мактабгача таълим лабораторияси”, “Мактаб-лаборатория”** инновацион тажриба-синов майдончалари тавсифланган ва адабий таълим самарадорлигига таъсир этувчи омиллар замонавий педагогик ёндашувлар призмасида тадқиқ этилган.

Мактабгача таълим ёшидаги тарбияланувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларидаги ўзига хослик уларга шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим беришни тақозо қилади. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида адабий таълим машғулотларини ташкил қилиш амалий ва услубий фаолиятнинг самарали шаклларида бири сифатида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларига ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Шахсга йўналтирилган ёндашув мазмун ва шакл билан боғлиқ замонавий педагогиканинг методологик масаласи бўлиб, уларда мактабгача таълим тарбияланувчиси шахсини ҳар томонлама такомиллаштириш, улар билан индивидуал тартибда ишлаш, берилаётган назарий билимларнинг амалий аҳамиятини ошириш, тарбияланувчиларда муайян компетентликни шакллантириш методлари ва тарбияланувчилардаги иқтидор хусусиятларини оширишни назарда тутди.

**“Замонавий педагогик ёндашувлар воситасида адабий таълим самарадорлигини ошириш тажрибаси”** деб номланган иккинчи бўлимда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида педагогик таълим инновацион кластери Марказининг адабий таълимнинг самарадорлигини оширишда замонавий педагогик ёндашувлардан фойдаланиш тажрибаси **“Инноватор ўқитувчи”** лойиҳаси мисолида ёритилган.

Замонавий педагогик ёндашувлар: шахсга йўналтирилган, компетенциявий, акмеологик таълимни ўзаро интеграциялаш, уларнинг кесишувчи нуқталарини топиш ва таълим жараёнида аралаш ҳолда қўллаш таълим сифатини, хусусан, адабий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мазкур илмий фаразнинг тўғрилигини қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

1. Педагогик соҳадаги етакчи ҳисобланган когнитив, шахсий, маданий ва компетентлик парадигмаларини таълим амалиётида қўллаш алоҳида битта фан ёки дарс машғулотида замонавий педагогик ёндашувларни ўзаро интеграциялашган ҳолда қўллашни тақозо қилади.

2. Адабий таълимни ривожлантиришнинг истиқболини белгилаш ва стратегик қарорлар қабул қилишда мазкур парадигмаларнинг барчасини

ҳисобга олиш лозим, зеро, улар муайян тизим бўлиб, бутуннинг қисмлари сифатида намоён бўлади.

3. Таълим олувчини таълим жараёнининг марказига қўйиш, унинг таълим олиши учун зарур бўлган барча шароитларни ҳозирлаш (шахсга йўналтирилган ёндашув), улардаги иқтидор хусусиятларини аниқлаш ва ривожлантириш (акмеологик ёндашув), адабий таълим компетенцияларини шакллантириш (компетенциявий ёндашув) каби масалаларни мазкур ёндашувларнинг ҳеч бири инкор қилмайди, аксинча, қўллаб-қувватлайди.

4. Замонавий педагогик ёндашувлар ўзаро бир-бирини инкор қилмайди, аксинча, улар бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга.

5. Интерфаол методлар замонавий педагогик ёндашувлар учун умумий хусусиятга эга бўлиб, уларни ўзаро боғлаш, узвийлик ва алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бобнинг **“Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва натижалари таҳлили”** деб номланган учинчи бўлимида тадқиқотнинг педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва математик-статистик таҳлили берилган.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: **1. Асословчи** босқич: 2019 йил. **2. Шакллантирувчи** босқич: 2020 йил. **3. Умумлаштирувчи** босқич: 2021 йил.

**Асословчи босқичда** умумий ўрта таълим мактабларидаги она тили ва адабиёт фанини ўқитишнинг илмий-педагогик асослари ва унга тегишли ўқув-услубий, илмий адабиётларни ўрганиш, тажриба-синов ишлари олиб бориладиган объектларни белгилаш, жараён режаси, анкета саволлари ва тест топшириқлари ишлаб чиқиш, мактаб ўқитувчиларига замонавий педагогик ёндашувлар, уларнинг мазмун-моҳияти, PISA тадқиқотларида ўқиш саводхонлиги тушунчаси бўйича тушунтириш ишлари, семинарлар, мастер-класслар ташкил қилинди, тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг тажриба-синовдан олдинги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди, тадқиқот тақозосига кўра сўровномалар ўтказилди ва педагогик тажриба-синов ишлари йўлга қўйилди.

**Шакллантирувчи босқичда** эса педагогик тажриба-синов ишларида кўзда тутилган асосий чора-тадбирлар мажмуи: тажриба гуруҳларида замонавий педагогик ёндашувлар асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш, дарс машғулотларини кузатиш ва мониторингини юритиш, ўқитувчиларга қўшимча маълумотлар бериб бориш, тажриба-синов ишлари давомида кузатилган айрим камчиликларни бартараф қилиш, дастур ва режага тегишли тузатиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш, сўровномалар ўтказиш каби ишлар амалга оширилди. Инноватор ўқитувчига қўйиладиган талаблар, унинг дарс машғулоти ҳамда ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатишнинг мезонлари, шакллари аниқланди ва улардан умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг фойдаланиши бўйича таклиф, тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва тажриба-синов жараёнига жорий этилди.

**Умумлаштирувчи босқичда** умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари давом эттирилди, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари ва ўқитувчиларнинг замонавий педагогик



ёндашувлар асосида олиб бораётган адабиёт дарс машғулотларининг мониторинги амалга оширилди, тажриба-синов ишларининг яқунловчи натижалари тартибга солинди, тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг тажриба-синовдан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди, ўзлаштириш кўрсаткичларининг математик-статистик таҳлили амалга оширилиб, умумлаштирилди.

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда 8- ва 9-синф ўқувчиларида адабий таълим компетенцияларининг шаклланганлик самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба боши ва якунидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъюдентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 1039 нафар 8- ва 9- синф ўқувчилари қатнашди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадвалга асосан ўқувчиларнинг тажриба боши ва якунидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланади.

Юқоридаги жадвал кўрсаткичларига асосланган ҳолда 8- ва 9-синф ўқувчиларининг адабий таълим компетенцияларининг шаклланганлик даражасининг тажриба якуни ва тажриба бошидаги кўрсаткичларини қуйидаги жадвалларда акс эттирамиз:


#### 1-жадвал

### 8- ва 9- синф ўқувчиларининг адабий таълим компетенцияларининг шаклланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Синф	Муддати	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари			
				“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо	“2” баҳо
8-синф	Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	265	17	41	79	128
		Назорат гуруҳи	260	17	41	76	126
	Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	265	107	85	55	18
		Назорат гуруҳи	260	49	91	57	63
9-синф	Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	260	16	37	88	119
		Назорат гуруҳи	254	19	42	86	107
	Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	260	98	86	54	22
		Назорат гуруҳи	254	46	89	68	51


Бу танланмаларга мос келган диаграммалар қуйидагича кўринишни олади:

Тажрибадан олдин:



1-расм. 8- синф ўқувчиларида 2-расм. 9- синф ўқувчиларида

Тажрибадан кейин:



3-расм. 8- синф ўқувчиларида 4-расм. 9- синф ўқувчиларида

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажрибадан олдинги ва кейинги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди. Ўрганувчи тадқиқотда яхши натижага эришилмаган. Булар қуйидаги жадвалда акс этган (1-сатр – олинган натижалар белгилари, 2-сатр – 8-синф, тажриба бошида, 3-сатр – 8-синф, тажриба якунида, 4-сатр – 9-синф тажриба бошида, 5-сатр – 9-синф, тажриба якунида):

1.	$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2.	1,8	1,79	Тажриба бошида ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
3.	3,05	2,49	0,8875	1,1099	2	3	6,44	515,71	0,13	0,12
4.	1,8	1,89	Тажриба бошида ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
5.	3,01	2,51	0,9099	1,0099	2	3	5,75	511,36	0,12	0,12

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

8-синф ўқувчиларида:

Маълумки,  $\bar{X}=3,05$ ;  $\bar{Y}=2,49$   $\Delta_x = 0,13$ ;  $\Delta_y = 0,12$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{yco}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3,05 - 0,13}{2,49 + 0,12} = \frac{2,92}{2,61} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\text{oo6}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3,05 - 0,13) - (2,49 - 0,12) = 2,92 - 2,37 = 0,55 > 0;$$

9-синф ўқувчиларида:

Маълумки,  $\bar{X}=3,01$ ;  $\bar{Y}=2,51$   $\Delta_x = 0,12$ ;  $\Delta_y = 0,12$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{yco}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3,01 - 0,12}{2,51 + 0,12} = \frac{2,89}{2,63} = 1,1 > 1;$$

$$K_{\text{oo6}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3,01 - 0,12) - (2,51 - 0,12) = 2,89 - 2,39 = 0,5 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, тадқиқот тажриба майдончаси сифатида олинган умумий ўрта таълим мактаблари 8- ва 9-синф ўқувчиларида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили натижаларига кўра замонавий педагогик ёндашувларни адабий таълимга татбиқ этиш натижасида ўқувчиларнинг адабиёт фанига бўлган қизиқишлари, назарий билимларини ошириш, уларда ижодкорлик ва креатив фикрлаш кўникмалари, мактабда олинган билимларни реал ҳаётини вазиятларда қўллаш олиш малакасини ҳосил қилиш самарадорлиги 8-синф ўқувчиларида 14%, 9-синф ўқувчиларида 12,5 % га, ўртача 13,25 % га ошганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Адабий таълим кластерининг илмий-назарий асослари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Адабий таълимда замонавий педагогик: шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувлар педагогик жараёнга нисбатан умумий муносабатни белгилаб берса-да, ҳар бир дарс машғулоти мавзу, вазият ва руҳий ҳолат нуқтаи назаридан алоҳида мустақил ҳодисалар бўлиб, унда таълимнинг умумий концепция ва тамойилларини сақлаган ҳолда мавжуд вазиятга мос ёндашув, метод ва усулларни қўллаш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

2. Замонавий педагогик ёндашувлар асосида адабиёт таълими жараёнини ташкил қилиш, албатта, шунга мос муҳитни шакллантиришни тақозо қилади. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи, ўқувчилар жамоаси ушбу ёндашувларнинг моҳиятини англаб олишлари лозим. Замонавий методик ёндашувлар муҳити синфда ва ундан ташқарида бўлган барча жараёнларни қамраб олиши билан муайянлашади.

3. Адабиёт дарсларининг мақсади таълим мазмунига нисбатан эътиборли ўқувчини тарбиялаш, унда бадиий сўзга меҳр уйғотиш экан, бу таълим олувчининг дунё ва шахс бирлигини ҳис қилишига ёрдам беради ва адабий таълимга интегратив ёндашув ҳамда уни кластер асосида мувофиқлаштириш бу муаммоларни оқилона ҳал қилишда кўл келади.

4. Бугунги кунда адабиёт фани мисолида мавзу ва мавзулараро интеграция масаласини қайта кўриб чиқишга эҳтиёж мавжуд. Мавзу ичидаги интеграцияни таъминлаш ўта зарур масала. Ўқувчиларнинг ҳар бир мавзуни алоҳида қобикда қабул қилишига кўникдик. Адабиётшунослик биздаги ана шу нотўғри тушунчани йўқотиш, мавзулар ўзаро бир-бири билан яхлитликда бир бутунликни ҳосил қилишининг назарий ва амалий ечимларини таклиф қилиши долзарб бўлиб турибди. Предметлараро интеграция бу турли фанлардан мустаҳкам билимлар учун ўхшаш тушунчаларнинг комбинацияси эмас, балки бир мавзуни ўрганишда турли мавзуларнинг комбинацияси, умумий ёндашув асосида мавзуларнинг бир бутун блокда бирлашувидир.

5. Бўлажак адабиёт фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизими фаолият кўрсатиш ва таркиб топтиришнинг умумий мақсади, ягона бошқарув тузилмаси ва ўзаро назорат тамойилларига асосланиши, бирлаштирилган ташкилий таълим шакллари мажмуи йўлга қўйилиши лозим. Унда вилоятдаги таълим муассасалари, мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларининг педагог ходимлари ва тарбиячилари, ўқувчилар гуруҳлари билан яқин муносабатлар таъминланади, яъни ижтимоий шериклик йўлга қўйилади.

6. Кластер тамойилига асосан бир хил турдаги объектлар тўпламининг биргаликдаги фаолияти ҳар доим алоҳида бажарилгандан кўра самаралироқ бўлади, шунингдек, бундай интеграциялашувда уларни бир бутун ҳолда бошқариш мумкин бўлади. Шундай экан, кластер ёндашувини татбиқ қилиш натижасида таълим турлари ўртасида адабиёт таълимини мувофиқлаштириш имконияти яратилади, адабий таълим ва фан ўртасидаги интеграция таъминланади, узвийлик ва узлуксизлик қарор топади.

7. Таълим тизимига, хусусан, адабий таълимга кластер ёндашувининг жорий қилиниши адабиёт ўқитишни ташкил қилиш билан боғлиқ барча ташкилий, таълимий ва услубий омилларга таъсир қилади ва ўзаро алоқадор фаолият механизмларини ишга туширади. Кластер ёндашуви воситасида адабий таълимни ташкил қилиш, бошқариш, таълим турлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва таълимнинг интеграцияга асосланган янги авлод воситаларини ишлаб чиқиш каби масалаларини ижобий ҳал этиш имкониятини яратади.

8. Кластер шароити тушунчаси кластер субъектларининг барча турдаги ҳамкорлик муносабатларини, кластер йўналишлари ва субъектларини, тамойилларини ўз ичига олувчи кенг кўламли тушунча бўлиб, қуйи ва юқори таълим шаклларининг умумий мақсаддан хусусий манфаат ҳосил қилиши билан боғлиқ ўқув, услубий, таълим-тарбиявий масалаларни ўзида бирлаштиради.

9. Кластер шароитида таълим муассасаларига тегишли тизимли катта муаммоларни қисмларга бўлиб, ҳар бир қисмни алоҳида ҳал қилишга қаратилган лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Чунки уларни қисмларга ажратиш орқали муаммонинг сабаблари ва моҳиятига чуқурроқ кириш имконияти пайдо бўлади ва ҳар бир қисм бўйича алоҳида жамоанинг ишлаши муаммонинг тез ва сифатли ҳал қилинишига имкон беради.

10. Адабий таълимга кластер ёндашувининг татбиқ қилиниши юқорида қайд этилган инновация шакллариининг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтириши билан манфаатли ҳисобланади. Кластер адабий таълимда субъектлар ўртасидаги интеграция жараёнлари, илмий тадқиқот соҳалари ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олади ва уларга таълимнинг замонавий шакллари: шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувларни татбиқ этишни тақозо қилади. Демак, бутун адабий таълим тизимига алоқадорлиги ва кенг қамровлиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги, фаолиятга нисбатан ёндашувнинг янгилиги билан адабий таълим кластери моделини соҳага тааллуқли инновация сифатида тушуниш мумкин.

11. Умумтаълим мактабларида адабиёт дарс машғулотларига шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувларни татбиқ қилиш олинган билимларнинг ҳаётий аҳамиятини кучайтириш, ўқувчиларга билим олишлари учун зарур бўлган шароитларни яратиш, ўқитувчининг авторитар устунлигидан кўра ўқувчи шахсини таълим марказига қўйиш, улардаги иқтидор хусусиятларини ривожлантириш каби жиҳатлари билан машғулотнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

12. Адабий таълим кластери асосида олий таълимнинг илмий салоҳиятини умумтаълим мактабларига йўналтириш ва замонавий педагогик ёндашувлар воситасида дарс машғулотларини ташкил қилиш бўйича танланган ўқитиш методикалари ва ёндашувлар натижасида ўсиш кўрсаткичи 8-синф ўқувчиларида 14%, 9-синф ўқувчиларида 12,5 % га, ўртача 13,25 % га ошганлиги аниқланди.

Бу билан диссертация мақсадининг тўғри қўйилганлиги, ишлаб чиқилган илмий-назарий асосларнинг тўғрилиги, уни амалиётга жорий этиш борасида таклиф этилган тавсияларнинг асосли эканлиги, тажриба-синов жараёнида қўлланган метод ва усулларнинг самарали эканлиги далилланди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Адабий таълим кластерини амалиётга татбиқ этишнинг ҳудудий механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Адабий таълим кластери муаммосини илмий нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ қилиш мақсадида унга кенг илмий жамоатчилик эътиборини жалб қилиш лозим.

3. Педагогик олий таълим муассасалари ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишлари ўқув режаларига адабий таълим кластери фанини киритиш мақсадга мувофиқ.

4. “Модулли мактабгача таълим лаборатория” ва “Мактаб-лаборатория”ларида мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида мавжуд муаммоларни бартараф қилишга қаратилган илмий-амалий лойиҳаларни мунтазам тажриба-синовдан ўтказишни йўлга қўйиш лозим.

5. Мамлакатимизнинг кластер сиёсати борасида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳудудий адабий таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритиб бориш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**БОТИРОВА ШАХЛО ИСАМИДДИНОВНА**

**НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАСТЕРА  
ЛИТЕРАТУРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.3.DSc/Ped216.**

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации опубликован на 3-х языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (cspi.uz.ilmiy-kengash) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный консультант:** **Мухамедов Гафурджан Исраилович**  
Доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ходжамкулов Умид Негматович**  
Доктор педагогических наук, доцент

**Махаммад Куронов**  
доктор педагогических наук, профессор

**Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов в заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.PED.82.01., присуждающего ученую степень при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована под номером \_\_\_-). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ш.К.Мардонов**  
председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

**Ф.У.Кодирова**  
секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор педагогических наук (DSc)

**У.Н.Ходжамкулов**  
председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор педагогических наук (DSc)



## **ВВЕДЕНИЕ**

**(Аннотация диссертации доктора наук)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В ряде развитых стран мира система образования движется в сторону принятия кластерной модели как ведущего фактора социально-экономических отношений, основанных на человеческом капитале. Особое внимание уделяется подъему интеллектуального развития учащихся на качественно новый уровень за счет адаптации содержания обучения в общеобразовательных средних школах к требованиям международных программ оценивания (Progress in International Reading and Literacy Study – PIRLS), Trends in International Mathematics and Science Study – TIMSS), The Programme for International Student Assessment – PISA), The Teaching and Learning International Survey – TALIS) Организации экономического сотрудничества и развития (Organisation for Economic Cooperation and Development – OECD). Консолидация потенциала учебных предметов, принятие решений современных педагогических подходов в общем среднем образовании, разработка приоритетных парадигм литературного образования определяют содержание кластера литературного образования и оно актуально как научно-педагогическая проблема.

Ведущие мировые исследовательские центры и ученые проводят фундаментальные и практические исследования по созданию научно-теоретических основ применения кластерной модели в педагогическом образовании и разработке механизмов ее реализации. Развитие конкретной научной сети на основе кластерной модели требует объединения образовательных организаций вокруг четкой общей цели, рационального распределения научной силы и потенциала, интеграции образования, науки и производства. В частности, необходима разработка научно-педагогических основ и моделей кластера литературного образования для совершенствования литературного образования в общеобразовательных школах за счет обеспечения междисциплинарной интеграции образования, реализации современных педагогических подходов.

Текущие образовательные реформы в нашей стране направлены на развитие инновационных компонентов системы, создание технологических моделей повышения качества образования и применение лучших практик развитых стран в этой области. “Научная деятельность высших учебных заведений не организована исходя из перспектив социально-экономического развития регионов”.<sup>5</sup> В последние годы была предложена кластерная модель регионального развития системы образования. Эта модель соответствует стратегическим целям и приоритетам развития образования в нашей стране.

Разработка национальной модели применения кластерного подхода к литературному образованию, разработка механизмов его применения к

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг., 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги Фармони: Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь.

совершенствованию литературного образования в общеобразовательных школах определяет актуальность темы исследования.

Данное исследование диссертации в определенной степени служит в обеспечении исполнения задач определенных в Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указа ПФ-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПФ-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 г., Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №213 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области» от 14 апреля 2021 г. и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

#### **Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.<sup>6</sup>**

Проводятся исследования по применению кластерной модели, которая активно используется в производственном секторе экономики, в конкретной сфере образования в ряде высших учебных заведений по всему миру, включая Университет Гази, Университет социальных наук Анкары (Турция), Шаньдунский университет (Китай), Франкфуртский университет имени И.В.Гете (Германия), Казанский федеральный университет (Россия), Белорусский государственный педагогический университет (Беларусь), Евразийский национальный университет им. Л.Н.Гумилева (Казахстан), Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области (Узбекистан).

Следующие научные результаты были получены по исследованиям, проведенных по научным и теоретическим основам кластера литературного образования:

---

<sup>6</sup>Диссертация мавзуси буйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.dissercat.com/content/upravlenie-formirovaniem-klasterov-v-regione>; <https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-politekhnicheskogo-obrazovaniya-uchashchikhsya-5-8-klassov-na-osnove-klas>; <https://www.hhs.se/contentassets/f51b706e1d644e9fa6c4d232abd09e63/greenbooksep03.pdf>; <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=26824>; Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors<sup>76</sup>, Cambridge, 1980, 454 pages; Innovation clusters in France: Innovation Comes First. URL: <http://www.invest-infrance.org/us/why-choose-france/research-and-partnerships-innovation-clusters.htm>; Elektronnyj resurs: <http://www.promcluster.ru/index.php/publications-cl.html>; Концепция развития педагогического образования на 2015–2020 годы: утв. Приказом Министерства образования Респ. Беларусь, 25 фев. 2015 г., № 156. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: [http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The concept of teacher education.pdf](http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The%20concept%20of%20teacher%20education.pdf). - с.10. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

интеграция литературного образования в высшее и среднее образование на основе кластерного подхода изучалась на основе религиозного образования (Университет Гази, Университет Социального образования Анкары); разработаны практические механизмы взаимодействия организационных единиц высших учебных заведений через кластер литературного образования (Шаньдунский университет, Франкфуртский университет имени И.В.Гете); создана инновационная система преподавания литературного образования в образовательных учреждениях на основе кластерной модели (Казанский федеральный университет); созданы инновационные региональные структуры для реализации кластерного подхода к педагогическому образованию (Белорусский государственный педагогический университет); внедрена национальная модель интеграции литературного образования и науки на основе кластерной модели (Евразийский национальный университет им. Л.Н.Гумилева); разработаны научно-теоретические основы и принципы кластера литературного образования (Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области).

В целях совершенствования научно-теоретической базы кластера литературного образования в мире проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям: совершенствование содержания литературного образования в соответствии с требованиями международных оценочных программ; внедрение современных педагогических подходов в образовательную практику на основе кластерного подхода; разработка национальных моделей литературного образовательного кластера и обеспечение вертикальной и горизонтальной интеграции литературного образования; разработка научно-теоретических основ, приоритетных парадигм и принципов кластера литературного образования; интеграция научного потенциала и опыта в литературном образовании через объединение исследовательских центров, высших учебных заведений, средних школ и дошкольных учреждений в единую систему; повышение способности образовательных организаций организовать быструю обратную связь за счет развития кластерной платформы литературного образования.

**Степень изученности проблемы.** Проблема применения кластерной модели к образованию в нашей стране как отдельный объект исследования в последние годы изучается более активно. В частности, обеспечение интеграции, органичности и непрерывности в системе через кластеризацию педагогического образования, разработку инновационных решений для комплексного развития существующих видов образования нашли свое отражение в научных исследованиях Г.Мухамедова, Ш.Мардонова, У.Ходжамкулова, Р. Эшчанова, Г.Бободжоновой, Д.Бекчанова, С.Тоштемировой, Н.Кошановой. В областях, связанных с данной проблемой, в частности: организационные аспекты системы непрерывного образования, механизмы совершенствования содержания и формы системы образования нашли свое отражение в научных исследованиях М.Куронова, Р.Ахлиддинова, Б.Абдуллаевой, Н.Эгамбердиевой; технологические аспекты литературного образования,

организационные аспекты междисциплинарного взаимодействия и научно-методического сотрудничества образовательных учреждений, методы литературного образования нашли свое отражение в научных исследованиях С.Мачонова, К.Юлдашева, Б.Тухлиева, Д.Куронова, Р.Ниёзметовой, О.Туракуловой; Проблема интеграции в систему непрерывного образования отражена в научных исследованиях Н.Рахмонкуловой, Д.Якибовой, М.Тошпулатовой, А.Джуманова, Б.Адизова.

